

ЎЗХДП ДЕПУТАТЛАРИ
ФАОЛИЯТИДАНСАЙЛОВЧИ
ИШОНЧИ

қандай оқланади?

ДЕПУТАТ ХАЛҚ ВАКИЛИ СИФАТИДА КЎКСИГА НИШОН ТАҚАДИ. БУ МАНСАБ ҲАМ, МАРТАБА ҲАМ ЭМАС, АСЛИДА КАТТА МАСЪУЛИЯТ, ШАРАФ ДЕГАНИ. ЧУНКИ УНИНГ ЗИМ-МАСИДА АҲОЛИ ИШОНЧИ ТУРИБДИ, БЕРИЛГАН ВАЪДАЛАР АСОСИДА ФУҚАРОЛАР УНДАН АМАЛИЙ ИШ КУТЯПТИ. ДЕМАК, САЙЛОВЧИЛАРНИНГ МАН-ФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ТУРМУШИ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛИШИГА КЎМАКЛАШИШ ҲАР БИР ДЕПУТАТДАН ИЗЛАНИШ ВА ТИНИМСИЗ МЕҲНАТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. МАНА, САЙЛОВДАН КЕЙИН ДЕЯРЛИ БИР ЙИЛ ВАҚТ ЎТДИ. ШУ ДАВРДАГИ ФАОЛИЯТИМИЗГА НАЗАР ТАШЛАСАК, НИМАГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ?

Давоми 2-бетда.

Янги йил байрами арафасида юртимизнинг тадбиркори фермерлари пойтахт аҳолиси учун ўзига хос совға ҳозирлаши анъанага айланган.

Байрам савдо ярмаркалари:
маҳсулотлар сифатли, нархи арзон

Пойтахтимиздаги бозорларда байрамолди савдо ярмаркалари давом этмоқда. «Ўзлугурхисавдоинвест» ва Озик-овқат саноати корхоналари уюшмаси тизимидаги ташкилотлар томонидан аҳолига маҳсулотларни мақбул нархларда етказиб бериш, банк пластик картчалари орқали савдо қилиш қўламини кенгайтириш, хариддорларга ҳар томонлама қўлайлик яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу кунларда пойтахтимизнинг бошқа бозорларида бўлгани сингари «Миробод деҳқон бозори»даги ярмаркада ҳам хариддорлар гавжум.

— Кишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонларига манзур бўлмоқда, — дейди бозор бош мутахассиси Абдуҳалил Мир-

расулов. — Ярмаркада Тошкент ва Сирдарё вилоятлари фермерлари боғдорчилик, Хоразм вилояти деҳқонлари эса гуруч, Қашқадарё вилояти фермерлари гўшт маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи корхоналар байрам дастурхони учун тайёр маҳсулотларни тақдим этмоқда. Пойтахтимизда истиқомат қилаётган аҳоли ярмаркада озиқ-овқат маҳсулотларини 30 фоизгача чегирмалар билан харид қилиши мумкин.

— Корхонамизда 10 турдан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, — дейди «Mavis Global» масъулияти чекланган жамияти вакили Фотима Раҳматуллаева. — Ярмарка бошланганидан буюн байрам дастурхони учун 2 тоннага яқин қандолат маҳсулотлари етказиб бердик. Яна 5 тонна ширин-

ликлар сотишни режалаштирганмиз.

— Рўзгор учун зарур бўладиган маҳсулотларни шу ердан олмоқда-миз, — дейди талаба Музаффар Уринов. — Бугун ярмаркадан гўшт, тухум, картошка ва пиёз харид қилдим. Уларнинг сифати юқори, нархи ҳам нисбатан арзон. Янги йил байрами арафасида яратилган бундай қўлайликдан миннатдоримиз.

Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги шаҳар ва туман марказларида ҳам озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари байрамолди савдо ярмаркалари бўлиб ўтмоқда.

Мазкур савдо ярмаркалари 2016 йил 5 январгача давом этади.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ЙИЛ КИРИБ КЕЛИШИГА ИККИ КУН ҚОЛДИ!

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва санъат саройларида Янги йил байрами тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги томошалар ёшларни ватанпарварлик, дўстлик, фидойилик, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш каби эзгу ғояларга ундамоқда.



БОЛАЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган меҳр-эътибор, билим олиши, ўқиб-изланиши учун яратилаётган шароит ва имкониятлар уларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод этиб тарбиялашда муҳим омил бўлаётди.

Ҳар йили Янги йил арафасида «Президент арчаси» шодиёналари саодатли, тинч-осойишта кунларимизга, осмонимиз мусаффолигига истиклол неъматларига шукроналик туйғулари билан уйғун бўлади. Болалар учун беғубор орзу-умидлар байрамига айланган ушбу тантаналар давомида Президентимиз совғалари кичкинтойларнинг қувончига қувонч қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу байрамни юксак савияда ўтказиш мақсадида

Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари ўғил-қизлари, «SOS — болалар маҳаллалари» тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун Президент совғалари тайёрланди. Бу эътибор уларнинг яхши таълим-тарбия олиши, ўз билим ва салоҳиятини юксалтиришида муҳим аҳамият касб этади. Масъул ташкилотлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга Президентимизнинг болажонларга аталган Янги йил совғалари етказиб берилди.

Совғалар 29 декабрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ташкил этиладиган «Президент арчаси» тадбирларида кичкинтойларга тантанали равишда топширилади.

Бу каби тадбирлар ёш авлод камолоти, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида вояга етиши, Ватани ва халқи тақдирига дахлдорлик ҳисси билан



улғайиши, порлоқ истиқболи йўлида кўрсатилаётган улкан эътиборнинг амалий ифодасидир.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири.Янгиликлар,
Бунёдкорликлар,
Хабарлар...Меҳнат
ярмаркаси

Самарқанд шаҳри Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Хунарманд» уюшмаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган меҳнат ярмаркасида шаҳардаги 96 корхона ва ташкилот 1085 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Бу ҳақда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ахборот хизмати хабар бермоқда.

Тайлоқ туманидаги агротадбиркорлик касб-хунар коллежидаги меҳнат ярмаркаси туман ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилди. Унда 100 корхона ва ташкилот 126 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ҳар иккала ярмаркада ҳам юзлаб касб-хунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Ватан
ҳимоячилари
куни олдидан

Жиззах шаҳридаги «Сўғдиёна» марказий ўйингоҳида спорт мусобақалари ташкил этилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Тадбирда Марказий Ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари, полковник Фарход Шерматов сўзга чиқиб, иштирокчиларни кириб келаётган Янги йил билан табриклади.

Шундан сўнг спорт мусобақалари 10 километр масофага югуриш билан бошланди. Ёшлар спортнинг энгил, оғир атлетика ва кураш турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди. Ҳолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Кўрик-
танловнинг
вилоят босқичи якунланди

Фарғона санъат коллежида «Маҳалла менинг тақдиримда» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Уч босқичли тизимда ўтказилаётган ушбу танловда ҳудуддаги умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ҳамда академик лицейларда таҳсил олувчи иқтидорли ўқувчилардан иборат 19 жамоа беллашди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг расмий сайти хабар бермоқда.

Танлов ҳакамлар ҳайъати томонидан биринчи ўринга Марғилон шаҳрининг «Увайсий» жамоаси лойиқ кўрилди. Иккинчи ўринни Фарғона шаҳрининг «Шодлик» ва Ўзбекистон туманининг «Бургутлар» жамоалари қўлга киритди. Қўқон шаҳрининг «Хўқанди латиф» жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Уларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

■ СЎЗ — ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА!

Ишлаётган одам

бугунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ яшайди

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, умуман, исталган соҳада бирон лойиҳанинг амалга ошиши, барқарор янги иш ўрни яратилиши ўз-ўзидан бўлмайди. Бу бир киши, фақат бир ташкилотга боғлиқ эмас. Бунга ҳар биримиз масъулмиз. Ҳар бир мутасадди раҳбар ва депутат қўлни-қўлга бериб жойларда юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда талабчан ва ўзаро ҳамкор бўлса, тараққиётимиз тезлашади, юртимиз

обод, турмушимиз янада фаровон бўлади.

Шунинг учун ЎЗХДП бирлашмалари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган лойиҳаларни тизимли мониторинг қилишга, шу орқали ижросини таъминлашга, айни пайтда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суришга эътиборни кучайтирмоқда.

Давоми 2-бетда.

■ ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Меҳр ҳис этилади

Зоминдаги Мурувват уйи директори
Нишонбой Фозиловга мактуб

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» фонди томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган «Кекса ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳаёт сифатини юксалтириш» давлат ижтимоий буюртмаси асосида Мурувват уйига 32 миллион сўмлик хайрия ёрдами топширилди.

Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЭЛЕКТОРАТ МУРОЖААТИ
ҲАР ХИЛ

Бироқ улардан бирортаси ҳам эътиборсиз қолмаслиги керак

■ ЎЗХДП: йил сарҳисоби,
янги йил режалари...

Сайловчи ишончи

қандай оқланади!

Депутат сифатида, аввало, сайловчилар билан ҳамнафас бўлишга, ҳар ҳафта фуқаролар билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини эшитишга ҳаракат қилдим.

Фаолиятим давомида бир нарсга амин бўлдимки, сайловчилар мурожаатларига эътиборсиз қараш нафақат депутат, балки партия обрўсига ҳам путур етказиши. Фуқаро сизга ўзини ташвишга солаётган масала ҳақида сўз очдимки, демак, унинг ортида ҳал қилиниши керак бўлган муаммо бўлади. Уларни вақтида ўрганиш, кечиктирмасдан бартараф этиш орқали кимнингдир оғири енгил бўлади, айрим ҳолларда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсик бўлаётган муаммолар бартараф этилади. Бунда депутатлик сўрови имкониятларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бу тажрибада ўз исботини топган.

Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби кўрсатилган мурожаат билан чиқиш ҳуқуқига эга. Бу депутатлик сўрови ҳисобланади.

Депутатлик сўрови, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга оширади, қонунлар ижросига ўзига хос

таъсир кўрсатади. Энг асосийси, сайловчилар, партия электорати вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бунга ҳаётдан кўлаб мисоллар келтириш мумкин.

Яқинда Бухоро вилоят Жондор туманидаги «Хумин» қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси қишлоқда спорт майдони қуриш масаласида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Қишлоқда спортга чанқоқ ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Улар орасида спортнинг кураш, дзюдо, футбол, бадий гимнастика ва бошқа турлари билан шуғулланиб келаётганлари бор. Демак, қишлоқда стадион қурилиши улар учун катта қулайлик ва имконият яратади. Шуларни ҳисобга олиб, ушбу масала юзасидан туман ҳокимига сўров юбордим ва у ижобий ҳал этилди. Спорт майдончаси қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Депутат учун масаланинг катта-кичиги бўлмаслиги керак. Чунки унинг ортида фуқаролар манфаати туради. Шу боис ҳар бир мурожаат эътибордан четда қолмаслиги, уни ҳал этиш халқ вакилининг бурчи ва вазифасидир. Депутат сўрови турли масалаларда бўлиши мумкин. Фикримча, ҳар қандай сўров муаммо атрофлича



ўрганиб чиқилганда сўнг юборилсагина қутилган самара беради. Депутат ҳам, масалани енишга кўмак берадиган партия ташкилоти ҳам шунга амал қилиши керак. Масала аниқ ва асосли қўйилган депутатлик сўровининг таъсир кучи юқори бўлади.

Ғиждувон туманидаги бир гуруҳ фуқаролар ёзма мурожаат қилишди. Уларнинг мурожаатида «Сарвари» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги 24-сон ва «Зарангари» қишлоғидаги 8-сон мактаблар таъмирталабчилиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосарига сўров юборилди. Ҳозир сўров бўйича ўрганиш ишлари олиб боришмоқда.

Айни кунларда халқ депутатлари Бухоро вилоят

Депутат учун масаланинг катта-кичиги бўлмаслиги керак. Чунки унинг ортида фуқаролар манфаати туради. Шу боис ҳар бир мурожаат эътибор марказида туриши, уни ҳал этиш халқ вакилининг бурчи ва вазифасидир.

Кенгашида партиямиздан сайланган 17 нафар депутат фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти партиямиз дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда фаоллик ва ташаббускорлик

кўрсатишмоқда. Шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига жами 86 депутатлик сўрови юборилди. Муҳими, уларнинг аксариятига вақтида жавоб олинди ва электорат манфаатларига дахлдор катта-кичик муаммоларни жойларда ҳал этишга эришилди.

Аҳолидан тушган мурожаатлар асосан ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган. Биз ҳар бир мурожаат, унда кўтарилган муаммо ёки тақлиф бўйича алоҳида тартибда ишлаймиз. Баъзида шундай мурожаатлар бўладики, масалани ўрганиш ва уни ечиш учун ишчи гуруҳи тузилади. Бунда гуруҳ таркибига малакали ҳуқуқшунос ва турли соҳа мутахассисларини ҳам жалб қиламиз.

Муаммони бартараф этиш давомида фаоллар жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини ўрганади. Бу тажриба фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Яна бир масала. Депутатлик сўровига мутасадди ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чораларини кўришимиз лозим. Айрим ҳолларда баъзи идоралар раҳбарлари депутат юборган сўровга эътиборсиз қараётганини ҳам айтиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. Аслида депутатлик сўрови қонуний кучга эга. Унга депутат ҳам, мутасадди ташкилот раҳбари ҳам эътиборли бўлиши талаб этилади.

Президентимиз «Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдига турган ғоят муҳим вазифа — қабул қилинган қонунларнинг ижро этилуви ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир», деб алоҳида таъкидлаган эди. Депутатлик сўрови бу вазифани амалга оширишда асосий восита, қонуний механизм ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир депутат бу институтдан самарали фойдаланиш ҳақида янада чуқур ўйлаб кўриши зарур.

Раззоқ ОСТОНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод туман кенгашининг «Фаол аёллар» ва «Иштиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан давра суҳбатга ўтказилди.

Тадбирда ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун яратилган шарт-шароитдан самарали фойдаланиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тарғиб қилиш масалалари ҳусусида фикр алмашилди.

Ҳар бир оиланинг

пойдевори мустаҳкам бўлсин

— Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. — дейди ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси Нигора Эшметова. — Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, бутун бир механизмга айланди. Бутун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жihatдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

ЎзХДП Сайловолди дастурида инсон саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ўтказилаётган тадбирларда хотин-қизлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратайلمиз.

Президентимиз илгари сурган «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади», деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимиз қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуг ишга муносиб ҳисса қўйиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди. Чиндан ҳам ҳаёт давомчилари бўлган оналарга, келажакимиз таянчи ва суянчи бўлган фарзандларимизга, оиллага ғамхўрлик қилиш бутун жамиятнинг эртасини ўйлаш демакдир. Шу маънода олиб қарасак, оналарга, болаларга ғамхўрликнинг янада кучайиши миллат келажакига эътибор янада ошаётганини билдиради.

— Мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Кимё Шокирова.** — Ҳар бир оила мустаҳкам пойдевори эга бўлишига эришиш, жамиятда ҳар бир гўдакнинг соғлом туғилиши ва яшаб кетишини тўла қафолатлайдиган зарур шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратилмоқда.

Ингит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир.

Мен шифокор сифатида шунга айтманки, ҳамма нарсанинг меъёри бўлгандек, турмуш қуришнинг ҳам ўз шарт-тартиби, тартиб-қоидалари бор. Эрта турмуш қуриш инсон соғлигини оғир аҳволга солиб қўйиши, бўлғуси онанинг саломатлиги ва руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиги, туғилажак фарзанднинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай экан, бу борада биз депутатлар, партиямизнинг «Фаол аёллар» қаноти аъзолари ташаббускор бўлишимиз, маҳаллаларда ота-оналар, ёшлар ва хотин-қизлар орасида тарғибот-тушунириш ишларини янада кучайтиришимиз зарур.

Тадбирда оилалар, жамиятда тиббий маданиятни ошириш бўйича савол-жавоблар бўлди. Бу каби тадбирлар ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларда ўз соғлиғига масъулиятни янада оширишга хизмат қилади.

Раимберган САБУРОВ,
ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси.

Аббор ҚУРБОНОВ

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА

Ислом Тўраев номли сув истеъмолчилари уюмаси Денов тумани марказидан 10-12 километр олисда жойлашган.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Ҳудудда ўнга яқин қишлоқ бўлиб, 15 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Айрим қишлоқларда тоза ичимлик суви таъминотида узлишлар бор эди. Кексаларни ёзозлаш йилида бу масала ижобий ечим топди. Давлат бюджетидан 682 миллион сўм маблағ ажратилиб, 6,5 километрга сув қувурлари ётқизилди. 25 тонна сизимга эга 30 метрли сув иншооти ўрнатилиб, 3 минг нафардан ортиқ аҳоли оби-ҳаётдан тўлиқ баҳраманд бўла бошлади.

— Ободлик кўнгилдан бошланади, — дейди **«Чўнтош» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Хўмнатой Аллаёрова.** — Маҳалламиздаги 37-умумтаълим мактаби таъмирланган. Тиббий муассаса хизматидан одамлар мамнун. Ўнга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Ичимлик суви билан боғлиқ масала ҳал этилиб, бизга ўзига хос Янги йил совғаси бўлди.

— Ичимлик суви инсон учун ўта муҳим масала. Мамлакатимизда бу борада катта ишлар қилинмапти. Мана, энди бизнинг қишлоқларда ҳам бу муаммо ҳал этилди, — дейди **мехнат фахрийси Суннат Жабборов.** — Одамларнинг оғири енгил бўлди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЎЗ — ЎзХДП ЕТАКЧИЛАРИГА!

Ишлаётган одам

бугунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ яшайди

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳар қачонгидан қатъиятлик билан назорат олиб бормоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда Дастурнинг ҳар бир ҳудудда самарали ижро этилишига ҳаракат қилинماпти.

Шу тарихда аҳолини ишга жойлаштиришда юзага келаётган камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилаяпти. Яқинда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз дастур ижроси қандай олиб борилаётганини ўрганди.

Маълум бўлишича, Дастурга асосан Хоразм вилоятида 60 200 киши-

Ҳозирда партиянинг парламентдаги фракцияси кўмағида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича амалий таклифлар тайёрлаш, бу борада мавжуд имкониятларни ўрганиш юзасидан таҳлилий ишларни амалга ошириб келмоқда. Янги йилда бу ҳаракатни амалий ташаббуслар билан янада кучайтириш ниятидамиз.

нинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган эди. Шунга асосан жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

56528 киши ишга жойлашди. Яратилган иш ўринларининг 45 мингдан ортиғи қишлоқ ҳудудларига тўғри келади. Дастур ижросида марказий ўрин кичик бизнесга қаратилган бўлиб, ушбу соҳада 46 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Жумладан, Шовот туманида «Ўзтекс Шовот» МЧЖ томонидан ип-қалава ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига 295, Урганч туманидаги «Тилло домор» хусусий корхонаси томонидан сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобига 100, Хазорасп туманида «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» томонидан енгил автомобиллар эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобига 50 иш ўрни яратилди.

Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан Марказий банк ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилди. 1099 нафар битирувчига 15,6 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ҳар бир фуқаронинг турмуш фаровонлиги, аввало, унинг доимий иш билан таъминланганлигига боғлиқ, албатта. Шунда у ўз қобилиятини рўйб-га чиқариш, жамият учун фойдали иш қилиш имконига эга бўлади. Шу боис кириб келаётган 2016 йилдаги энг асосий вазифаларимиз қаторида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи алоҳида устуворлик касб этмоқда.

Биринчи навбатда эътиборимизни Дастурда белгиланган коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи ўзига жалб этади. Ўтган йиллар тажрибасини инобатга олган ҳолда, 2016 йилда мамлакатимиз микёсида 511 мингдан ортиқ коллеж битирувчисини ўзлари эгаллаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштириш керак бўлади. Бу борада Дастурда қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, битирувчиларни ишга жойлаштириш билан бир қаторда, уларга ўз тадбиркорлик фаолиятини юритишлари учун тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратиш тажрибасини давом эттириш белгилаб олинган.

Шунингдек, келгуси йилга мўлжалланган Дастурда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш амалиёти давом эттирилиб, шунинг ҳисобидан 197 мингга яқин иш жойларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларга тижорат банклари томонидан 2015 йилга нисбатан 20 фоизга кўп кредит маблағлари йўналтирилиши белгилангани иш бошлаш учун молиявий кўмакка муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашда катта аҳамиятга эга, албатта.

Таъкидлаш керакики, Дастур ижроси таъминланиши, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шароитларда рақобатлашишга тайёр бўлмаган кишилар манфаатига хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қарасак, 2016 йилда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, янги иш ўринлари очишда фаол иштирок этиш ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Бунда аввало, депутатлик назоратини янада кучайтириш талаб этилади. Бизнингча, Дастур ижросини

ҳар ой якуни бўйича туман, шаҳар ҳокимликлари қошидаги доимий ишчи комиссия йиғилишларида танқидий муҳокама этиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни жойида ва ўз вақтида бартараф этишни таъминлаш устидан тизимий депутатлик назоратини ўрнатиш керак. Бунда, айниқса, манзилли рўйхатларга киририлган қороналарга бино, ер ажратиш, кредитлаш, хомашё таъминоти, коммуникацияларга улаиш масалаларига алоҳида масъулият билан қараш лозим.

Шунингдек, Дастур ижроси билан боғлиқ масалалар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг сессияларида мунтазам муҳокама этиб борилиши жуда ҳам муҳим.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда ангиларини барпо этишда инвестиция таклифларини қўлайитириш долзарб масаладир. Бунда партиямиз гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир келгуси режаларни вилоятларни ривожлантиришнинг истиқболли дастурлари билан ҳамоханг тарзда ишлаб чиқиши, бунинг учун зарур ахборот базасини шакллантириш жуда муҳим. Ҳозирда партиянинг парламентдаги фракцияси кўмағида маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳлари ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича амалий таклифлар тайёрлаш, бу борада мавжуд имкониятларни ўрганиш юзасидан таҳлилий ишларни амалга ошириб келмоқда. Янги йилда бу ҳаракатни амалий ташаббуслар билан янада кучайтиришимиз лозим бўлади.

ПАРТИЯМИЗГА ХАЙРИХОҲ БЎЛГАН, ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИМИЗНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАЙДИГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР СОНИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КўПАЙИБ БОРМОҚДА. 2006 ЙИЛДА 30 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР ПАРТИЯМИЗ САФИДА 82 500 ГА ЯҚИННИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, 2015 ЙИЛГА КЕЛИБ БУ КўРСАТКИЧ 127 500 НАФАРДАН ОШДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН 2015 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИНГ 9 ОЙЛИК ИЖРОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛА КўРИБ ЧИҚИЛДИ.



■ ЯНГИЛИК

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК

Ўзбекистон маҳаллий рейслар учун авиачипталарга онлайн-бюрогма бериш ва сотиш хизматини ишга туширмоқда

2016 йил 5 январдан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси маҳаллий рейслар учун авиачипталарга онлайн-бюрогма бериш (онлайн-бронлаш) ва сотиш хизматини ишга туширмоқда. Бу ҳақда авиакомпаниянинг расмий сайти хабар бермоқда.



Онлайн-бронлаш жараёни содда ва тушунарли кўринишда ишлаб чиқилган. Компания сайти (www.uzairways.com)га киради. Бош саҳифадаги «Чиптани сотиб олиш» тугмасини босиб, хизмат кўрсатадиган саҳифага ўтилади. Буюртмани расмийлаштириш учун йўналиш ва санини, хизмат кўрсатиш синфини танлаш, тегишли маълумотлар — фамилия, исми-шариф, паспорт маълумотлари, алоқа учун контактлар — телефон рақами ва электрон почта ни киритиш зарур. Чиптага тўлов UzCard пластик картаси орқали амалга оширилади.

Интернет орқали бронлаш ва тўлов муваффақиятли амалга оширилган бўлса, кўрсатилган электрон почта ва мобил телефон рақамига сизнинг сафарингиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга электрон билетнинг йўналиш нусхаси ва UzCard пластик картасидан пул олинган ҳақида SMS-хабар келади.

Шундан сўнг аэропортда парвозга рўйхатдан ўтилаётганда электрон авиачиптанинг нусхаси ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт)ни тақдим этиш кифоя қилади.

«Ўзбектелеком» интернет нархини пасайтирди

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Ўзбекистон провайдерлари учун интернет-хизматлари тарифлар 1 Мбит/с. учун (ташқи каналда) 157,60 АҚШ долларга туширилганини маълум қилади. Бу ҳақда ташкилот расмий сайти хабар бермоқда.

2015 йилда тарифлар бир неча марта пасайтирилди. 1 январь куни нарх 259,29 АҚШ долларига бўлган бўлса, декабрь ойига келиб 157,60 долларга туширилди.

Илон захридан дори олиш усули ихтиро қилинди

Ўзбекистонлик олимлар илон захридан аналгетик ва фиброзга қарши дори препаратини олиш усулини ихтиро қилди. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мазкур ихтиро аналгетиклар сифатида қўлланиши, шунингдек, фиброзли касалликларни даволаш ва олдини олишда самарали восита бўлиши айтилмоқда.

Муаллифлар — Бурхон Расулов, Алишер Ярмагов, Олим Расулов ва Ирода Расуловага ушбу ихтиро учун № IAP 05115 рақамли патент берилди.

■ ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Меҳр ҳис этилади

Зоминдаги Мурувват уйи директори Нишонбой Фозиловга мактуб

Ассалому алайкум, Нишонбой ака!

Биласизми? Ногиронлар истиқомат қилаётган Мурувват уйларига бир марта бўлса-да, бориш учун инсонга чидам, сабр, бардош, ирода керак. Яна меҳр ҳам зарур, албатта.

Бир ҳақиқат бор — ушбу даргоҳга келиб кетаётган биз каби инсонларнинг йўриғи бошқа. Улар бу ерга бир йилда бир марта, нари борса, икки марта келиши мумкин.

Мурувват уйида қалбимни бир туйғу эгаллаб олди. Бу, биринчи навбатда, соғ эканимизга шукр қилиш. Тўрт мучамиз саломатлиги боис ҳаёт олдимизга қўяётган баъзи бир масала ва муаммоларни ечишимиз, ҳал этишимиз, бунинг учун курашимиз кераклигига иқрор бўлдим.

Келинг, дастлабки фикримизга қайтсак. Яъни бу масканга келиб кетувчилар кўп. Лекин Сизнинг раҳбарлигингиздаги фидойи жамоа жисмоний ва ақлий имконияти чекланган 300 нафарга яқин хотин-қиз саломатлиги, тинчлиги, ҳаёти учун доимий жавобгарсизлар.

Бу ғоятда масъулиятли ва машаққатли ишда Сизга Мурувват уйида меҳнат қилаётган шифокорлар, ҳамширалар, тарбиячилар елкадош бўлишга тўғри келди. Бир сўз билан айтганда, аҳил жамоангизни меҳри бу ерда яшаётган инсонларни ҳаётга боғлаб турибди.

Тўғриси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди раҳбари Асрор Мирзаахмедов бошчилигида Зомин томон йўлга тушганимизда, кўнглимдан турли уйлар ўтди: бу маскан кўрimsиз бир жой бўлса керак, деб тасаввур қилган эдим. Лекин Мурувват уйига етиб борганимиздан сўнг у ердаги манзара мени лол қолдирди.

Мурувват уйи ҳовлисида киш бўлишига қарамай, очилиб турган гуллар, ям-яшил арчалар, турли мева-дарактлар ҳар қандай кишининг баҳри дилини очади. Беморлар яшайдиган бинолардаги тозалик, саранжом-саришталик, уларга кўрсатилаётган эътибор кўнглини ёриштиради. Қалбга хотиржамлик, таскин бағишлайди.

Назаримда, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидagi Мурувват уйларига Зомин Мурувват уйини намуна си-



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

фатида кўрсатиш керак. Улар бу ерда таҳриба алмашишсин. Ўрганишсин.

Сиз бизни бир кекса аёл ёнига олиб бордингиз. Унга меҳр билан қараб, «бу аёл отамни кўрган» деддингиз. Шунда менда ва ҳамроҳларимда савол туғилди. Лекин Сиз унга жавоб беришга шошилмадингиз. Бизни яна Мурувват уйи ҳаёти билан таништиришда давом этдингиз.

Барибир қизиқишим устун келиб, отангиз ҳақида сўрадим. Фаҳр-ифтихорга йўғрилган сўзларингизни эшитиб, Сизга бўлган ҳурматим яна бир қарра ошди.

Айтишингизга қараганда, отангиз Араб Фозилов чорак аср давомида мазкур Мурувват уйига раҳбарлик қилган, бу ердаги беморларнинг айримлари у кишини кўрган экан. Отангиз ўтказган дарахтлар бугун ҳам соя бермоқда, мева бермоқда.

Нишонбой ака, Сизга меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат туйғуларини отангиздан ўтган бўлса керак. Сизнинг сиймоингизда мен ҳар бир фарзанд отасининг ишини давом эттириши қанчалик зарурлигига, муҳимлигига яна бир бор иқрор бўлдим.

Ёшлигингизни, куч-қувватингизни ўғирлаган мана шу Мурувват уйи, ундаги инсонлар Сиз учун қанчалик азизлигини ич-ичимдан тушуниб етдим.

Сиз Зомин тумани халқ таълими тизимига юқори лавозимларда ишлагансиз. Ўзингизнинг айтишингизга қараганда, бир кун мутасадди-

Жанубий Кореяга борганингизни, у ердаги Мурувват уйлари фаолияти билан яқиндан танишганингизни ҳикоя қилиб бердингиз. Ушбу мамлакатда Мурувват уйларида яшаётган беморларга сарфланадиган маблағнинг ярмини давлат, қолганини уларнинг яқинлари қоплар экан.

лар розилигингизни олмасдан ҳам Сизни Мурувват уйига раҳбар қилиб тайинлаган. Ўшанда улар одамлилик, яхшилик, эзгулик Сизга ота мерос эканини билишган бўлса керак, деб ўйлайман.

Мана, ўшандан бери ўтган йигирма йил давомида Сиз ҳаётингизни Мурувват уйи ва ундаги ҳар бир инсон билан чамбарчас боғладингиз.

Менга битта фикрингиз жуда маъқул бўлди. Нафақат маъқул, балки мени жуда тўлқинлантириб юборди. Сиз таҳриба алмашиш учун бир гуруҳ ҳамкасбларингиз билан Жанубий Кореяга борганингизни, у ердаги Мурувват уйлари фаолияти билан яқиндан танишганингизни ҳикоя қилиб бердингиз. Ушбу мамлакатда Мурувват уйларида яшаётган беморларга сарфланадиган маблағнинг ярмини давлат, қолганини уларнинг яқинлари қоплар экан. Шунинг билганингиздан кейин Ўзбекистонимизни нақадар бой, қанчалар инсонпарвар мамлакат эканига яна бир марта амин бўлибсиз, фахрланибсиз.

Нишонбой ака! Сизнинг раҳбарлиги баҳолаш мезонингиз ҳам эътиборга сазовор. Сиз уларга Мурувват уйига бўлган муносабатига қараб баҳо бера экансиз.

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» фонди томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган «Кекса ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувват-

лаш ва ҳаёт сифатини юксалтириш» давлат ижтимоий буюртмаси асосида ташкил этилган тадбирда Мурувват уйига 32 миллион сўмлик совғасаломлар топширилди. Бу кун ҳақиқий тантангага айланиб кетди.

Беморларнинг юзидаги мамнунлик, кўзларидаги қувонч уқунлари бизга ҳам кўчди. Шу пайт телефонингиз жиринглади. Кимдир билан самимий суҳбатлашдингиз. Бизга қараб: Зомин тумани ҳокими Баҳриддин Сафаров ҳам тадбирга келаётганини айтдингиз.

Сўзларингизга қараганда, ҳоким Мурувват уйига алоҳида эътибор қаратар экан. Бирор-бир муаммо юз берса, биринчи навбатда, уни ҳал этиш учун бел боғларкан. Сизнинг ўртангиздаги дўстона муносабатни телефондаги мулоқотдан ҳам сезган эдим.

Нишонбой ака, Сиз Мурувват уйига кўрсатилаётган эътибор учун, аввало, Президентимизга миннатдорлик билдирдингиз.

Шу пайт бемор қизларингиздан бири бизга шеър ўқиб берди. У билан худди ота боладай гаплашдингиз. Шунда улар сизни яхши кўришига, сизга интилишига, ишонishi-га гувоҳ бўлдим.

Суҳбатимиз давомида нимадир бир армонингиз борлигини ҳам сезгандай бўлдим. Мен эса уни Сиздан сўрашга жазм этдим. Ва шунинг билмасам бўлар экан, деган афсус бутун борлигини эгаллаб олди. Бу ердаги беморлар ҳам яқинларини соғинаркан, кўргиси келаркан. Лекин улар жигарлари борлигини аллақачон унуттишган...

Зомин Мурувват уйида англаб етганим шу бўлдики, меҳр ҳис этилар экан. Меҳрдан меҳр яралар экан. Мана шу меҳр эса Сизу бизнинг қалбимизни ёритишига ишонаман.

Нишонбой ака! Дошимандлардан бири: «Осмоннинг устуну бор», — деган эди. Бу гапни эшитган одамлар: «Устунларни биз кўрмаймиз, қани улар», — деганида аллома: «Осмоннинг устуну бу — яхши одамлар», — деган экан. Ўшалардан бири Сиз бўлсангиз керак деб ўйладим.

Сизга чексиз ҳурмат билан,

Фаррух ҲАМРОЕВ



■ ТАДБИР

Танлов ғолиблари тақдирланди

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «ОАВнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши борасида амалга оширилаётган ислохотлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда таъдидландики, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама тараққий эттиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Натижада фуқароларнинг ахборот олиш кафолатлари сезиларли даражада кенгай-

ди. Бугунги кунда республика миқдoда 1 минг 400 дан ортиқ оммавий ахборот воси-

талари фаолият кўрсатмоқда.

ОАВ фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий техник-базасини мустаҳкамлашга ажратилаётган маблағлар йил сайин ортиб бормоқда.

Марказий ҳамда ҳудудий ОАВ ходимлари малакаларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамия-

тининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловлари асосида 2009 йилда 35 ОАВ ўз лойиҳалари билан иштирок этган бўлса, 2014 йилда ўтказилган грант танловларида 141 ОАВ қатнашган.

Қайд этилдики, республикада фаолият юритиб келаётган ҳудудий ва марказий босма нашрларда чоп этилаётган таҳлилий-танқидий материаллар сони йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилда босма нашрларда 2159

танқидий ва таҳлилий материаллар чоп этилган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 2452 тани ташкил этган, уларнинг 1003 таси танқидий материаллардир.

Тадбир доирасида «Жамият ва мен» ва «Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида» республика танловлари ғолиб ва совриндорларини тақдирланган ҳудудий ва марказий босма нашрларда чоп этилаётган таҳлилий-танқидий материаллар сони йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилда босма нашрларда 2159

■ ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Чет тилларни ривожлантириш ва оммавийлаштириш маркази — «Your school» томонидан «Замонавий интернет-журналистика» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Интернет-журналистика:

имкониятлар, изланишлар

Тадбирда журналистлар, блогерлар, замонавий интернет-журналистикага қизиққан кутубхона фойдаланувчилари ва «Your school» маркази аъзолари иштирок этди.

1995 йил 29 апрелда «uz» домени рўйхатга олинганидан буён ундаги веб-сайтлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, 2010 йилнинг февраль ойида мамлакатимиз интернет маконидa 10 мингдан ортиқ веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, жорий йилнинг сентябрида улар сони 20 мингдан ошди.

Таъкидлаш жоизки, интернет оламида янги-янги соҳалар пайдо бўлмоқда. Кечагина «блогер» тушунчаси биз учун мавҳум эди. Бугун эса ҳар биримиз ўз блогимизни очиш ва унда мустақил равишда ахборот бериб бориш имкониятига эгамиз.

Бу борада ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун, Президентимизнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш тўғрисида, Вазирлар Маҳкамасининг интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш тўғри-



сидаги қарорлари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Блогерлар давра суҳбати давомида қатнашчиларга интернет-журналистика ҳақида батафсил маълумот беришди. Ўзбекистонда фаолият юритаётган 100 дан зиёд интернет-нашрлар, блоглар, олий ўқув юртларида ташкил этилган курслар ҳақида ҳам тўхталишди.

Интернет учун ёзилаётган хабарларнинг бошқа оммавий ахборот воситаларидаги ахборотлардан фарқи ҳажмининг қисқалигидир, — дейди Ўзбекистон Футбол Федерацияси матбуот хизмати ходими, блогер Аббас Қодиров. — Чунки интернет фойдаланувчиларининг асосий қисми — ёшлар. Ўқувчидаги қизиқишни ушлаб туриш мақсадида хабарларнинг ҳажми катта бўлмайди. Бугунги семинарнинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, журналистикага, хусусан, интернет-журналистикага қизиқиши юқори бўлган ёшлар билан мулоқотга киришдик.

Давра суҳбатидa Ўзбекистонда ёшларнинг маънавий имунитетини шакллантириш, ахборот маданиятини ошириш, ахборотни тўғри ва соғлом таҳлил қилиш, борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Ўзбек ва инглиз тилларида ташкил этилган тадбирда иштирок этганлар замонавий интернет-журналистика тушунчасига доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ПЕНСИЯГА АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒ МИҚДОРИ ЎРТАЧА ОЙЛИКНИНГ 41 ФОИЗИДАН ЗИЁДИНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. БУ КЎРСАТКИЧ ДУНЁДАГИ КАМДАН-КАМ ДАВЛАТЛАРДА УЧРАЙДИ.



■ ЖОРИЙ ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ҚАРИЙБ 16 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИЛДИ ВА БУ АСОСИЙ ФОНДЛАР УМУМИЙ ҲАЖМИНИНГ САЛКАМ 23,3 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Янги йил томошаларига

қизгин ҳозирлик кўрилмоқда

25 декабрдан 10 январга қадар республикаимиздаги барча театрлар турли саргузаштлар, Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги эртақлар асосида театрлашган томошалар, эртақ спектакллари намойиш этади. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ўрмон сири» номли эртақ спектакль саҳналаштирилган бўлиб, байрам кунлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ижодкорлари ҳам болалар учун махсус туҳфа ҳозирлаган. Бу даргоҳда «Мегабайтли янги йил эртаги» мусиқий томошаси ўзбек ва рус тилларида намойиш этилади.

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри ижодкорлари томонидан янги йилда



болажонларга «Қорқизнинг саргузаштлари» номли томоша тайёрланди.

Ўзбекистон Ёшлар театри «Приключение фунтика», «Волшебная лампа Аладдина», «Белоснежка и семь гномов» каби саргузаштга бой эртақ-спектакллари тақдим этишни режалаштирмоқда.

Ўзбек давлат драма театрида «Соҳта Қорқиз» номли томоша тайёрланган. Унда машҳур эртақ қаҳрамонлари билан биргаликда болажонларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этади ва эртақлар оламида янги йилни кутиб олади.

Республика ёш томошабинлар театри байрам кунлари «Оп-погой», «Мадагаскар», «Ғаройиб воқеа», «Тук-тук, ким у?» номли аjoyиб спектакллари ўзбек ва рус тилларида ёш томошабинларга ҳавола этади.

Республика Кўғирчоқ театрида эса «Янги йил мўъжизаси» номли театрлашган томоша намойиш этилади.

Пойтахтимизнинг бош майдони бўлмиш Мустиқиллик майдонида Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари томонидан «Янги йил совғаси» номли театрлаштирилган томоша намойиш этилади.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

ҲАЁТИДАН РОЗИ ОДАМЛАР

Яқинда партиямиз фаоли Шоназар Жовлиев «Чироқчи тумани марказидаги янги бозорчамизда бўлдингизми?» деб сўради. Ҳали боролмаганимни айтдим. У киши бозорни таърифлай кетди:



Бундай бозорлар одамларга қулайлик яратади, ижтимоий ҳимоясига хизмат қилади, савдо ишлари маданияти юксалиб бораётганини билдиради.

— Кўрсангиз кўзингиз қувонади. Қишлоқ туманида бунақа бозор қурилади деб ҳеч ўйламагандик. Худуди жуذا катта, аҳолиси йил сайин кўпайиб бораётган туманимиз учун бундай бозор айни муддао бўлди. Энди одамларимиз қўшни Шаҳрисабз, Қарши ёки Самарқанд шаҳарларига овера бўлиб боришмайди. Бозор жамоаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти.

...Янги йил арафасида ниятим ушалиб, Чироқчи марказидаги янги бозорга бордим. Кўркам, ихчам савдо дўконлари... Турли хил кийим-кечаклар... Меҳнат фахрийси Жўра Жалилов билан суҳбатлашиб қолдим. У тумanning яқин ўтмишдаги аҳолини эслади...

Дарҳақиқат, Чироқчи туманида муаммолар жуда кўп эди. Қишлоқларда аҳолига маданий-маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатиш каби муҳим масалалар ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Биргина мисол. Чияли бозорида кийим-кечаклар, миллий ҳунармандчилик буюмлари сотиларди. Ёзда чанг-тўзон, қишда лой бўладиган майдонда савдо қилинарди. Уша пайтда виллоятимизга раҳбар бўлган Ислам Каримов томонидан шўролар ҳукмронлиги давридаёқ Қаш-

қадарёда эзгу ишлар бошлаб юборган эди. У киши бошқа туманлар қатори, Чироқчида ҳам ободончиликка катта эътибор қаратди. Хусусан, Чияли бозори қайтадан қурилди. Мустиқиллик йилларида эса туманда кўплаб янги мактаб, коллеж, шифохона, магазин, тўйхоналар бунёд этилди.

Бундан икки йил аввал Тошкентда Чироқчи шаҳрининг бош лойиҳаси тайёрланди. Дун келган жойда қурилиш қилиш тасқиланди. Шаҳар марказидаги эски болалар боғи ўрнида бутунлай янги истироҳат маскани бунёд этилди.

2009 йили пахта тозалаш корхонаси таъмирланиб, модернизация қилинди. Натижада завод ҳовлисининг 1,1 гектари янги буюм бозори қуриш учун ажратилди. Чироқчи шаҳри ва туманининг ярми узоқ йўл

босиб, Чиялига ёки қўшни Шаҳрисабзга қатнашга мажбур эди. Лойиҳа тузилди, ер ажратилди, тадбиркорлар томонидан 305 дўкон қурилди. Бирок бозор ривожланиб кетмади, камқўсти борлигини барча кўриб турганди. Натижада 2015 йил бошида туман ҳокимлиги томонидан «Сарбон баракаси» МЧЖ раҳбарлигига Мамасоат Жўраев тавсия қилинди.

— Дарҳақиқат, бу бозорда ўзгариш қилиш зарур эди. Мана, бугун натижасини кўряпмиз, — дейди **Давлат солиқ кўмитасининг бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят бўлими ходими Шавкатжон Холиёров**. — Туманда 9 бозор бор. Улар орасида «Сарбон баракаси» солиқларни ўз вақтида тўлаши, кундан-кунга обод бўлиб бораётгани билан ажралиб туради...

Бирок бунга осонликча эришилмади. Туман раҳбарияти, бозорнинг янги раҳбари кўпчилигининг бошини қовуштирди. Режа тузилиб, бирин-кетин амалга оширила бошланди. Бозор дарвозаси қаршидаги ташландик майдон обод қилиниб, иккита фаввора қурилди.

Атрофда салқин ичимлик, енгил таом сотиладиган бўлди. Электрда узилишлар кўп бўлгани учун 8-10 миллион сўм маблағ эвазига трансформатор ва узатгичлар пухта таъмирланди. Кунда минглаб одамлар кириб чиққандан кейин яхши таомларга эҳтиёж туғилди. Ҳозир Бахтиёр Ҳамроев ва Учқун Ҳамидов ўз ошхонасида мазали овқатлар тайёрламоқда. Озик-овқат дўкони, иккита сартарошхона очилди.

— Ота-боболарим ҳам сартарошлик билан шуғулланишган, — дейди ўроз Боймирзаев. — Ўттиз беш йилдирки, шу ҳунар этагидан тутганим. Шогирдларим кўп. Уларни ҳалолликка, покликка ўргатаман.

Бозорнинг асосий йўналиши кийим-кечак, буюм ва газмоллар. Бошқа туманлардан ҳам харидорлар келади. Дўкдор Қарамон Жўраев пластик карточкага ҳам савдо қилинишини айтди.

— Илгари деҳқон бозорида савдо қилардик, — дейди **тадбиркор Ҳосил Хўшишев**. — Мана, яхши лойиҳа асосида ўзимизга дўкон қуриб олдик. Терминалимиз бор, юртимизда ва четда ишлаб чиқарилган газмолларни савдога чиқарамиз. Қаранг, харидорлар танлаб олишяпти. Солиқлардан қарзимиз йўқ...

— Шу бозорда турфа газмоллар сотилгани одамлар учун қулай бўлди, — дейди **кичик корхона раҳбари Дилшода Саидова**. — Чеварларни тўплаб, алоҳида цех ташкил қилдик. Замонавий тикиш машиналаримиз бор. Харидорлар бозордан ўзларига маъқул газмолларни олишади. Ўлчаб, турли бичимдаги кўйлак, халатларни тикиб берамиз. Цехда олти нафар тикувчи меҳнат қилаёти.

Бозор маъмурияти кўплаб хайрли ишларга ҳам бош

қўшган экан. Чироқчи шаҳри марказида шу йил ёзда ишга ташланган болалар дам олиш ва истироҳат боғини бунёд этиш учун 2 миллион сўм маблағ ўтказиб берилди. Тумандаги 29-мактабнинг 25 нафар, бокучисини йўқотган оилаларнинг 21 нафар болаларини бошдан-оёқ кийинтиришди.

Маъмуриятнинг кичик, ихчам идорасига кирганимда, ўзаро суҳбатнинг гувоҳи бўлдим.

— Барчага шароит яратиб бераёйсиз, — дейди **тадбиркор Раъно Қурбонова**. — Мана, оиламизнинг орзуси ушаладиган бўлди. Янги йил қуриш учун кредит олдик, дастлабки тўловларини тўладик.

— Қураётган янги уйингиз фарзандларингизга, оилангизга буюрсин, — дейди **хўрсандчилик билан Мамасоат Жўраев**. — Президентимиз Соғлом она ва бола йили ҳақида гапириб, қандай муҳим вазифаларни белгилаб берди. Демак, турмушимиз янада фаровонлашади, фарзандларимиз соғлом бўлиб камолга етади. Насиб этса, жамоамиз билан муҳтож оилаларга кўмак берамиз. Энг муҳими, бозоримиздан барака кўтарилмасин.

— Янги йил кириб келаяпти, — дейди **харидор Ҳимоят Йўлдошева**. — Албатта, совғасалом олиш керак. Мана, бозордан қизимга чиройли кўйлак харид қилдим. Жуда сифатли, арзон. Насиб қилса, яна келамиз.

Одамлар бозор хизматидан, бугунги ўзгаришлардан хурсанд. Бозорнинг олдинги аҳоли билан ҳозиргисининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бугунги бозор замонавий, мухташам, кўркам, файзли ва баракали бозор.

Юнус УЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Дунё аҳолиси кўпайгани сайин, чекувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Бироқ кейинги йилларда бир қатор мамлакатларда жамоат жойларида чекишни тақиқлаш бўйича қонунлар қабул қилинаётгани ижобий натижаларини бераётир. Сигарет тутунининг организмга кўрсатадиган салбий таъсирини ўрганиб, талқин этган олимлар қуйидаги хулосага келдилар.

ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ!

Узоқ йиллар сигарет чекишни қанда қилмаган кашанда саратон ёки инфаркт касаллигини орттиради. 15-20 йиллик чекувчилар ўпка ва қон-томир касалликларига алоқадор хасталикларга чалинади.

Кўп йиллик жараёнда зарар микдорининг йиғилиб бориши чекувчига сезилмайди.

Американинг Миннесота университети олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишларга кўра, тамакининг асосий канцероген бўлиши ҳидли углеводдорлар биринчи галда организмда ўзгаришлар содир қилади.

Изотоплар ёрдамидаги кузатувлар шуни кўрсатдики, орга-



низмга кирган тутун 15-30 дақиқадан сўнг алоҳида фаол унсурга айланади ва у ҳужайранинг «генетик аппарати»ни зарарлаш орқали ўзгаришларни, яъни мутацияни келтириб чиқаради. Бу жараён ҳар чекканда қайталанмади.

Чеккининг аста-секин зарари нафақат ўпка саратони ривожланишига туртки бўлади, балки бутун организмга таъсир кўрсатади. Бу, айниқса, юрак-қон-томир тизимида юз берадиган ўзгаришларда яққолроқ намоён бўлади. Олимлар таъкидлашича, тутундаги «оксидантлар» деб аталувчи моддалар жуда тезлик билан бутун организмда оксидланиш жараёнини келтириб чиқаради. Оксидантлар қонга тез сўрилиб, таънага тарқалади. Натижада ҳужайралар иш фаолияти бузилади, мутацияга юз тутиши тезлашади ва қон-томирларни зарарлайди. Бу таъжовузли «кесил» учун эса организмга антиоксидантлар — Е, А, С сингари витаминлар зарур бўлади.

Қон-томирлар ички деворларининг оксидланиши атеросклероз (юрак-қон-томирлари деворлари қалинлашуви ва зичлашуви)дан ҳосил бўладиган касаллик) ривожланишини тезлатади ва томирлар ички қобигида тошмалар пайдо бўлиши учун шароит яратди. Томир ичида битта тошманинг ҳосил бўлиши қон айланишини секинлатади, яъни равон айланишга халақит беради. Бу эса тромбин келтириб чиқаради. Бундай тошмаларнинг қўпайиши эса инфаркт ёки инсультга олиб келади.

Шуни қўшимча қилиш жоизки, ҳар бир чекилган сигарет трюмб ҳосил бўлишига пойдевор вазифасини ўташидан ташқари, тутунда қон қуюқлашуви асос бўладиган тромбин ферментлари сонини оширувчи моддалар мавжуд.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тамакининг яна бир оғир зарари ҳақида гапирмасак бўлмайди. Организмни мукаммал яратилган жуда катта завод деб фараз қилсак, инсон организмиде мавжуд азот оксиди моддаси томирларни кенгайтиради ва унинг деворларини ички томондан ҳимояловчи вазифани бажаради. Сигарет тутунини эса, аксинча, томирларни торайтиради ва натижада ҳужайраларга қон етказиб бериш учун томир уришини тезлаштиради.

Алимкул СУЛТОНОВ

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

«ЭЗГУЛИК ЎЗБЕКИСТОНДАН ТАРАЛАДИ»

Исроилнинг «The Jerusalem Post» газетасида чоп этилган мақола ана шундай номланади

«Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивалига дунёнинг кўплаб мамлакатларидан санъаткорлар билан бирга журналистлар ҳам таширф буюрган эди. Улар орасида Исроилнинг «The Jerusalem Post» газетаси мухбири Виктория Мартинова ҳам бор. У Ўзбекистондаги нуфузли фестивалдан олган таассуротлари тўғрисида мақола ёзди. Биз уни қисқартрилган ҳолда эътиборингизга ҳавола этияпмиз.

«Исроиллик санъаткорлар ҳам Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивалида иштирок этди.

Исроил билан Ўзбекистонни узоқ тарихга бориб тақаладиган алоқалар боғлаб туради.

Фестивалда жаҳоннинг 67 мамлакатидан келган санъаткорлар беллашди. Исроилдан Илана Элия бошчилигидаги гуруҳ ўз санъатини намойиш этди.

Қадимда Буюк Ипак йўли фақат савдо эмас, балки турли халқлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилган. Бугунги кунга қелиб «Шарқ тароналари» ана шу эзгу гоёни давом эттирмоқда. Фестиваль шарқ халқларининг анъанавий мусиқасини асл ҳолига сақлашида муҳим аҳамиятга эга.

«Шарқ тароналари» фестивали доирасида Самарқанд вилоятининг турли худудларида концерт дастурлари ташкиллаштирилди. Шу билан бирга, мусиқашунослар, композиторлар ва хонандалар иштирокида илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

Анжуман кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. 1997 йилда ўтказилган ilk фестивалда 31 мамлакатдан санъаткорлар иштирок этганди. Тўққизинчи бор ўтказилган фестивалда эса улар сони 53 нафарга етди.

Самарқанд вокзалида бизни катта тантаналар билан кутиб олишди. Ўзбек миллий куй-қўшиқлари, рақс-

лари ихро этилди. Доира, қарнай, сурнай наволари меҳмонларга хуш кайфият улашди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов фестивалнинг очилиш маросимида бир фикрни алоҳида таъкидлади: «Самарқанд руҳи ва фалсафаси» деган чуқур маъноли ибора халқлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, маданий мулоқотни ривожлантиришга, мумтоз мусиқа анъаналарини асраб-авайлашга олиб келаётгани барчамизни қувонтиради, албатта...»

Фестивалда қатнашиш исроиллик санъаткорлар учун нафақат олис юртлардан келган иштирокчилар билан, балки Якин Шарқдаги қўшниларимиз бўлган Саудия Арабистони, Покистон,

«Шарқ тароналари» турли миллатлар маданияти бирлашадиган фестивалдир. Фестивалнинг биринчи кунёқ исроиллик мусиқачилар Қоҳира опера театридан келган мисрлик қўшиқчилар билан узоқ вақт араб тилида қўшиқ қуйлади. Бу ҳолатни кўриш жуда ёқимли эди.



Миср ва Эрондан келган мусиқачилар билан суҳбатлашиб, фикр алмашиш имконини берди. Элия қадимий, классик қўшиқларнинг моҳир ижрочиси. Унинг миллий гарчи курд бўлса ҳам, у киши миллий маданиятидан яхши хабардор. Бунинг унинг чиқишлари давомида кўп марта кўрганмиз.

Элия Ўзбекистонга борганига қадар ўзбек санъатидан деярли беҳабар бўлган. Унинг фестивалда қатнашиши аниқ бўлганидан кейин бир неча ўзбек миллий қўшиқларини тинглаб, хайратга тушди. Унинг айтишича, ўзбек ва яҳудий қўшиқчилиқ санъатида ўхшашлик бор.

«Тушундимки, бундай ўхшашликнинг боиси бизнинг қадим тарихимизга бориб тақалади» дейди Элия.

Бир гапни алоҳида таъкидлашни истардим, Самарқандда Элияни жуда яхши кутиб олишди. «Сўғдийна» боғида уюштирилган концертда жуда кўпчилик у билан суҳбатлашди, суратга тушди. Улар орасида нафақат катта-

лар, балки болалар ҳам бор эди.

Концерт тугагандан сўнг саккиз ёшли бола менга савол берди: «Ай-толмайсизми, булар эртага ҳам концертга келишадими? Биз исроиллик санъаткорларни жуда ҳам яхши кўриб қолдик».

«Шарқ тароналари» турли миллатлар маданияти бирлашадиган фестивалдир. Фестивалнинг биринчи кунёқ исроиллик мусиқачилар Қоҳира опера театридан келган мисрлик қўшиқчилар билан узоқ вақт араб тилида қўшиқ қуйлади. Бу ҳолатни кўриш жуда ёқимли эди.

Бизнинг мусиқачилар покистонлик ҳамкасблари Шарун ва Харун Лев билан жуда яқин бўлиб қолди. Фестиваль давомида беш кун улар вақтини бирга ўтказди. Бу ака-ука санъаткорлар аjoyиб мусиқачи бўлиши билан бирга кўнгли очик инсонлар экан».

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АбЗАМ тайёрлади.

ВАРШАВАДА «ҲАЁТИЙ РАНГ-БАРАНГЛИК: МАРКАЗИЙ ОСИЁ СЎЗНАЛАРИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БЕЗАК ВА АМАЛИЙ САҲАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ, РАНГ-БАРАНГ СЎЗНАЛАР, АТЛАС ВА АДРАС СИНГАРИ МИЛЛИЙ МАТОЛАР ҲАМДА МИЛЛИЙ КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ МАЗКУР КЎРГАЗМА ПЕШТАХЛАРИДАН ЖОЙ ОЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУАЛА-ЛУМПУРДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 23 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАЛАЙЗИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ, LINCOLN UNIVERSITY COLLEGE, BINARY UNIVERSITY OF MANAGEMENT & ENTREPRENEURSHIP, UCSI UNIVERSITY СИНГАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР
ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Юртимизда ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш учун тадбиркорларга яқиндан кўмак берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Навоий вилоят филиали томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган ёрдам, шу орқали эришилаётган натижалар бунга мисол бўла олади.



Жамғарма томонидан жорий йил ноябрь ойида 15 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалий ёрдам кўрсатилди. Шулардан «Kampana Gips Mahsulotlari» МЧЖ қўшма корхонасига хорижий ҳамкор топишда ва кўргазмаларда қатнашиш учун кўмак берилди. Натижада

479,17 минг АҚШ долларлик қурилиш моллари экспорт қилинди.

— Навоий шаҳрида жойлашган «Бахт Текстиль» қўшма корхонаси асосан ип-калава ишлаб чиқаради, — дейди **Жамғарманинг вилоят филиали раҳбари Равшан Маҳмудов**. — Ушбу корхонага ҳам

ҳамкор топишда кўмак берилгач, корхонанинг 5388,78 минг АҚШ долларлик маҳсулоти экспорт қилинди. Бундан ташқари, «Бизнес Азия» ишлаб чиқариш тижорат фирмасига мижоз топишда кўмаклашилди ва 2716,38 минг АҚШ долларлик калава экспорт қилинишига эришилди. «Bright Navoi textile» МЧЖга ҳам мижоз топишда ёрдам кўрсатилгандан сўнг, 6736,91 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди. Бундан ташқари, «Navoi Milling», «Бентонит», «Navoi Hunan Pulp КК», «Triumf Gorniyak Navbahor tekstil КК», «NAVOI EVRO-RUBEROID», «Nur-Sulton-Asat» масъулияти чекланган жамиятларга хориждан харидор топиш ва маҳсулот хариди бўйича шартнома тузишда кўмаклашилди. Шундай қилиб, биргина ноябрь ойида Жамғарма томонидан кўрсатилган ёрдам натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 27231,75 минг долларга тенг маҳсулотлар экспорт қилинди.

Хозирда Россия, Қозғоғистон ҳамда Корея Республикасига гилам ва нитрон маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

АРХИВ ИШИ БИЛИМДОНИ

Чуқур мулоҳазали, фикрлари теран, ҳар бир сўзини вазмин баён этадиган бу инсон билан иш юзасидан кўп бор мулоқотда бўлганман. Англадимки, у ўз соҳасининг билимдони, қобилиятли раҳбар, тизимга оид қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яхши билади. Самарқанд вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдиалим Маматов билан бу галги суҳбатимиз мавзуси аҳолига архив хизмати кўрсатиш тизимидаги янги имкониятлар хусусида бўлди.



— Эътироф этиш керак, — деди Абдиалим ака, — мамлакатимизда мустақиллик йилларида бошқа соҳалардаги сингари архив ишини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилди. 1999 йилда «Архивлар тўғрисида»ги қонун қабул қилингани, 2010 йилда эса мазкур қонунга ўзгаришлар киритилиб, «Архив иши тўғрисида»ги янги қонуннинг амалга киритилиши, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид бир неча қарорлари чиқарилиши фаолиятимизнинг ҳуқуқий асослари, ривожланиш кафолатларини мустаҳкамлади. Дарвоқе, кейинги йилларда мамлакатимиз архив муассасаларининг моддий имкониятлари ошди, улар томонидан кўрсатилаётган хизмат сифати яхшиланди, архивларнинг аксари собиқ иттифоқ давридаги хароб ва пастқам бинолардан янги, замонавий, ёруғ қошона-

ларга кўчиб ўтди.

— Бундай ўзгаришлар хизмат савиясининг ошишида ҳам ўз аксини топмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи. — Компьютер жамланмалари, нусха кўчириш аппаратлари, рақамли фотоаппаратлар, видеокамералар каби замонавий ускуналар ишимизни анча енгиллаштиряпти. Ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилиши, электрон почтанинг йўлга қўйилиши бугунги авлод вакиллари учун оддий бир ҳолга айланди.

2009 йилда вилоят архив иши бошқармасининг веб-сайти яратилди. Тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида бошқарма ўзининг қарорлари, буйруқлари ва топшириқларини тизимга қарашли архив муассасаларига электрон почта орқали юбормоқда ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар ҳам шу тартибда олинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори интернет тармоғининг миллий сегментини ахборот ресурсларини ривожлантириш сари кенг йўл очди.

Вилоят давлат архивларида электрон ҳужжат айланиши жорий этилди. 2009 йилда вилоят архив иши бошқармасининг веб-сайти яратилди. Тез ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида бошқарма ўзининг қарорлари, буйруқлари ва топшириқларини тизимга қарашли архив муассасаларига электрон почта орқали юбормоқда ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар ҳам шу тартибда олинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлики янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «Ўзархив» агентлигининг порталида Самарқанд вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси учун яратилган корпоратив почтага келиб тушаётган интерактив сўровлар қўриб чиқилмоқда.

— Алоҳида таъкидлаш жоиз, мустақиллик йилларида Самарқанддаги архив муассасаларида улкан қурилиш ишлари амалга оширилди, — дейди **вилоят архив иши бошқармасининг бош мутахассиси Муҳиддин Дўстмуродов**. — Жойларда бир неча янги архивлар очилди. Масалан, Пастдарғом ва Қўшработ туманларида давлат архивлари, Иштихон, Оқдарё, Тайлоқ, Пахтачи, Каттақўрғон туманларида идоралараро ҳўжалик ҳисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари ташкил этилди. Давлат архивлари билан бир қаторда идоралараро ҳўжалик ҳисобидидаги шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар архивларининг фаолияти яхшиланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, қаерда ўз соҳасининг билимдонлари ҳақиқий филойлар фаолият кўрсатаётган бўлса, ўша даргоҳда иш олинган қараб кетади. Юксалишлар, ютуқлар юз беради. Буни Самарқанд вилояти архив идораси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки инвесторларни ҳамкорликка чақиради ва банкнинг қуйидаги шўъба корхоналарини сотиб олиш учун таклиф этади:

тўқимачилик саноати корхоналари:

✦ калава ип ва пайпоқ ишлаб чиқариш —

«RISHTON TO'QIMACHI» МЧЖ ВА «POYTEKS» МЧЖ.

✦ nbug.uz; nbuic.uz

қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати корхонаси:

✦ гранит ва мрамор плиталар ишлаб чиқариш —

«GAZALKENT STONE» МЧЖ.

✦ nbug.uz; nbuic.uz

қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқариш соҳаси корхоналари:

✦ пахта целлюлозаси, техник этил спирти, қоғоз ва қоғоз

маҳсулотлари ишлаб чиқариш —

«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ ВА

«NAMANGAN QOG'OZI» МЧЖ.

✦ nbug.uz; nbuic.uz

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қандолатчилик ва

тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари:

✦ мева ва сабзавотлардан табиий ва концентрланган пюре, болалар

таомлари, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қорамол ва қўй-эчки терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш —

«KINDER FRUITS» МЧЖ, «ANDIJON CHARM» МЧЖ,

«QUVA QANDOLATLARI» МЧЖ.

✦ nbug.uz; nbuic.uz

туристик ва меҳмонхона хизматларини таклиф этувчи корхона —

«REGISTON PLAZA» МЧЖ.

Янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишни истасангиз:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,
100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 101.
Тел.: (+99871) 234 11 22 Факс.: (+99871) 234 43 31
E-mail: webmaster@central.nbu.com/ www.nbu.com

«NBU INVEST GROUP» МЧЖ

100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95

Тел.: (+99871) 234 00 79 Факс.: (+99871) 234 00 78

E-mail: info@nbuic.uz / www.nbuic.uz

«NBU INVESTMENT» МЧЖ

100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95

Тел.: (+99871) 233 84 53 Факс.: (+99871) 234 83 54

E-mail: info@nbuic.uz / www.nbuic.uz

AVTOSALON
«SARDOR AVTO INVEST»

ТўЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 110-уй.

Мўлжал: Телевизион минора қаршисида.

Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.

www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган



«ЎЗБЕККОМИР»

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни Янги йил билан муборакбод этади!

**ОНА ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ
ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ЭЗГУ
ИШЛАРИНГИЗГА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙДИ.**

*Янги йил ҳар бир хонадонга, ҳар бир гўшага
қувонч ва шодлик олиб келсин!*

ТИНЧЛИГИМИЗ БАРҚАРОР, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН!



«ЎЗНЕФТГАЗКАЗИБЧИҚАРИШ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

**мамлакатимиз аҳлини Янги йил
айёми билан табриклайди!**

Она диёримизда ҳамиша
тинчлик, хонадонларда тотувлик,
кўнгилларда кўтаринкилик
бардавом бўлсин.

Ушбу гўзал айёмда кўнглингиздан
кечган эзгу тилак ва нияtlарингиз
амалга ошсин!


HAMKORBANK

Yangi yilda
Sizga sihat- salomatlik,
tinchlik-xotirjamlik
va oilangizga farovonlik
tilaydi.

2016



HAMKORMOBILE
BANK SIZ UCHUN QULAY JOYDA!



AGROBANK

жамоаси азиз юртдошларимизни

ЯНГИ – 2016 ЙИЛ

билан муборакбод этади!

Соғлом она ва бола йили юртимизга
файзу барака, яхшиликлар,
эзгуликлар олиб келсин.

«АГРОБАНК» ўз мижозлари учун
қуйидаги банк хизматини таклиф этади.

“Агробанк” ҳамда Click компанияси
хамкорлигида жорий этилган “Мобиль савдо”
тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот
ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга
ошириш хизматидан фойдаланинг.



mobilsavdo

sodda va tez to'lov



Мобиль савдо белгиси мавжуд жойларда
тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗМАЛОИЛ»

**Ўзбекистон – Малайзия
қўшма корхонаси жамоаси**

**юртдошларимизни, шу жумладан
нефть-газ саноати соҳаси
ходимларини Янги йил билан
табриклайди.**

**Мамлакатимиз
иқтисодиёти янада
юксалсин!**



МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

ЖАМОАСИ

**юртдошларимизни, соҳа ходимларини
кириб келаётган**

ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

**Соғлом она ва бола йилида ҳар бир оилага
фаровонлик, хотиржамлик тилайди!**



Газетанинг навбатдаги сони 2016 йил 1 январь, жума куни чиқади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
10402
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 01.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5